

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
14.07.2016.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВА МАЛОҲАТ МУҲАММАДОВНА**

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА МОДАЛЛИК  
КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ,  
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик  
(филология фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Жўраева Малоҳат Мухамадовна**

Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг  
лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари..... 3

**Жураева Малохат Мухамадовна**

Лингвокогнитивные, национально-культурные особенности категории  
модальности в французских и узбекских сказок..... 29

**Jurayeva Malokhat Mukhamadovna**

The national, cultural and linguocognitive peculiarities of modality of the  
French and Uzbek fairytales..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 83

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
14.07.2016.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВА МАЛОҲАТ МУҲАММАДОВНА**

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА МОДАЛЛИК  
КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ,  
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик  
(филология фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.3-4.Fil146 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университети Немис ва француз тиллари кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Якубов Жамолiddин Абдувалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Турниёзов Неъмат Қаюмович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Вероника Кастилотти**  
филология фанлари доктори, профессор  
(Франсуа Раблэ университети, Франция)

**Шомусоров Шорустам Гиясович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги 14.07.2016.Fil.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,  
профессор

**Қ.Ш. Омонов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.,  
доцент

**Г.Х. Боқиева**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида дунё халқларининг маданий ва маънавий бойликлари билан танишиш илмий ва амалий аҳамият касб этса, ўзаро қиёслаш уни муносиб баҳолайди. Тил ва маданият муносабати, унинг ижтимоий ҳаётда акс этиши, хорижий тилларни ўрганиш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу борада умумлисоний характерга эга, тил моҳиятини англаш учун муҳим бўлган модаллик категориясининг француз ва ўзбек эртаклари мисолида қиёсланиши ҳар бир тилнинг ўзига хос қирраларини очиб беради, назарий асосларини тадқиқ этишга имкон яратади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамалакатимизда илм-фанни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хорижий тилларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш, уларни она тилимиз билан қиёслаш, қўлга киритилган илмий натижаларни асослаш давлат тилининг мавқеъини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Ҳозирги замон етакчи тилшунослик илмий марказларида «модаллик» тушунчаси ниҳоятда кенг қўлланилади, семантик категория сифатида мулоқотнинг мазмунга бой жиҳатларини намоён этади, ифодаланган фикр-мулоҳазанинг мулоқот жараёнидаги нуфузини оширади. Модаллик категориясини қиёслашда тиллараро миллий-маданий фарқлар ёрқин ифодаланади. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг акс этиши борасида тегишли тадқиқот олиб борилмаганлиги ишнинг долзарблигини белгилайди. Шу маънода модаллик, модус, диктум категорияларининг ўзаро боғлиқлигини асослаш, икки тил фреймларини концептуал таҳлил қилиш, «модаллик», «концепт» ва «фрейм» каби тушунчаларга бўлган назарий фикрларга муносабат билдириш, «эرتак концепти» ва «эртак фрейми» моҳиятини далиллаш кабилар муҳим аҳамият касб этади. Француз ва ўзбек эртакларидаги миллийлик, умумийлик, хусусийлик, ўхшашлик, фарқли жиҳатларнинг турли мотивларда уйғунлашувининг ёритилиши, модаллик категориясининг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий хусусиятларининг тадқиқи тилшунослик равнақида кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги ПФ-3029-сон «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2012 йил декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон «Ўзбекистон

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак – маънавият, енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.83.

Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фан ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Тилшуносликда модаллик тушунчаси, модаллик категориясининг функциялари, эртаклар матнида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятларига бағишланган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, Université de Paris-Sorbonne, Université François Rabelais (Франция), Université du Canada à Montréal, American Academy of Religion, Harvard University (АҚШ), Cambridge University, Oxford University (Буюк Британия), University of Bonn (Германия), Université Cheikh-Anta-Diop (Африка), Московский государственный университет, Институт языкознания РАН, Институт сказкотерапии (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Модаллик категориясининг грамматик, лексик, семантик хусусиятига оид, эртаклар ва уларнинг функционал-семантик, лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий жиҳатларига бағишланган жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: модаллик категориясининг моҳияти асосланган (Université de Paris-Sorbonne), модаллик категориясининг коннотатив, императив, эмотив, эпистемик каби турлари аниқланган (Oxford University), модаллик категориясини ифодаловчи лисоний воситалар исботланган (American Academy of Religion); модалликни ифодалашда фразеологизмларнинг аҳамияти далилланган (Cambridge University), немис тили материали асосида *aber, auch, doch, ja* каби модал юкламалар аниқланган (University of Bonn), объектив ва субъектив модаллик категорияларининг ўзаро боғлиқлиги асосланган (Harvard University), матн модаллиги аниқланган (Université du Canada à Montréal), эртакларда модаллик категориясининг когнитив жиҳати асосланган (Université François Rabelais), эртакларда модаллик мотивацияси аниқланган (Московский государственный университет), эртакларда модал феълларнинг услубий функциялари асосланган (Институт сказкотерапии), эртакларда модаллик категориясининг лексик-семантик хусусияти асослаб берилган (Институт языкознания РАН), модаллик категорияси мантиқ илми

---

<sup>2</sup> диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.paris-sorbonne.fr/](http://www.paris-sorbonne.fr/)[www.univ-tours.fr/](http://www.univ-tours.fr/)[www.bnf.fr/](http://www.bnf.fr/)[www.iling-ran.ru/](http://www.iling-ran.ru/)[www.msu.ru/](http://www.msu.ru/)[www.cka3kapo.ru/](http://www.cka3kapo.ru/)<https://www.cam.ac.uk/>[www.ox.ac.uk/](http://www.ox.ac.uk/)[www.aarweb.org/](http://www.aarweb.org/)[www.harvard.edu/](http://www.harvard.edu/)<https://www.uni-bonn.de/>[www.uzswlu.uz/](http://www.uzswlu.uz/)[www.samdhti.uz/](http://www.samdhti.uz/)[www.buxdu.uz/](http://www.buxdu.uz/) ва бошқа маълумотлар асосида тайёрланди.

билан боғлаб исботланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), модаллик категорияси ўзбек ва француз эртаклари мисолида қиёсланиб, ҳар бирининг концептуал ҳамда миллий-маданий хусусиятлари далилланган (Бухоро давлат университети).

Бугунги кунда жаҳонда модаллик категориясининг муайян тил сатҳида воқеланиши бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: модаллик категориясининг концептуал хусусиятларини аниқлаш; модаллик категориясининг когнитив, миллий-маданий хусусиятларини очиб беришда матн модаллигининг аҳамиятини илмий асосда исботлаш; модалликнинг бошқа семантик категориялар билан боғлиқлигини аниқлаш; модаллик категориясининг ўзига хосликларини аниқлашда эътиборни шахс ва замон категориясига қаратиш; эртакларда модаллик категориясининг мотивлар билан уйғунлашувини асослаб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чоғиштира тилшуносликнинг назарий асосларини яратишда, функционал-семантик модаллик категорияси ва унинг хусусиятлари ҳақидаги муҳим илмий-назарий қарашларни илгари сурган жаҳон ҳамда ўзбек тилшунос олимларининг ўрни катта. Бу борада Ш.Балли, Ф.Брюно, В.Гак, Е.Корди, Г.Гийом, Ж.Муир, Е.Вольф, В.Виноградов, Ў.Юсупов, Т.Алисова, В.Панфилов, А.Бондарко, Н.Турниёзов, А.Абдуазизов, А.Абдуразоқов, А.Маматов, Ж.Ёқубовнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик<sup>3</sup>.

Тилшуносликда модаллик категориясини илмий-назарий таҳлил қилишда турли қарашлар мавжуд. Мазкур семантик категориянинг қўлланиш хусусияти ҳар бир тилда турлича бўлиб, улар шакл ва мазмун жиҳатдан бири-биридан фарқ қилади. Модаллик категориясининг тилшуносликда акс этиши даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Модаллик категориясининг турли хусусиятлари ва эртакларнинг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий тадқиқи борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Хусусан, Ж.Синклер, О.Плахова, Ш.Сафаров, С.Боймирзаева, С.Муҳамедованинг тадқиқотлари шулар жумласидандир<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. – С.44–60; Brunot Ferdinand. La pensée et la langue. – Р., 1936. – Р.514; Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М., 2004. – С.312; Корди Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. – М., 2004. – С.168; Гийом Г. Принципы теоретической лингвистики. 1992. – С.222; Мур Д.Э. Доказательство внешнего мира. Сост., вступит. ст. и коммент. А.Ф.Грязнова. – М., 1993. – С.66–84; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. М.: Наука, 1985. – С.226; Виноградов В.В. Модальные слова и частицы. Их разряды. М., 1986. – С.54–87; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т., 2007. – С.123; Алисова Т.Б. Дополнительные отношения модуса и диктума. 2-е изд. 2002. – С.288; Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления, – М., 1971; Бондарко А.В. Теория функциональной грамматики: Темпоральность. Модальность. – Л., 1990. – С.263; Турниёзов Н.Қ. Функционал синтаксисга кириш. – Т., 2003.– Б.22; Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т., 2010. – Б.176; Абдуразаков М.А. Семантическая структура высказывания (Семантические типы субъектов и предикатов): Автореф. дис. докт. филолог. наук. – М., 1985. – С.28; Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике.– Т., 1989.– Б.117; Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Т., 1989.– Б.117; Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Т., 2007. – Б.315.

<sup>4</sup> Sinclair J. Beginning the Study of Lexis. – Londres: Longman, 1970. – Р. 62–71; Плахова О.А. Английские сказки в этнолингвистическом аспекте: Автореф. дисс. канд. филолог. наук. – Н.Н., 2007. – С.18–27; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, Сангзор, 2006. – Б.21–39; Боймирзаева С. Матн модаллиги.

Л.В.Эпоеванинг<sup>5</sup> тадқиқотида инглиз ва рус тилларида сеҳрли эртак тилининг лингвомаданий хусусияти ҳамда лексик-семантик таснифи асосланган. М.В. Ивченконинг<sup>6</sup> номзодлик ишида турли тизимли тиллардаги эртакларда ва рекламаларда “сеҳргар” концептининг функционал-семантик хусусиятлари аниқланган. С.Ў.Боймирзаева ўзбек тили материали асосида матн модаллиги муаммосини ўрганиб, эътиборни модаллик турларининг матнда воқеланишига қаратади. Олима матннинг когнитив ва маъновий майдонида фаоллашувчи кўрсаткичларини аниқлайди. Матн модаллигининг мазмуний турларини фарқлаш, уларни тавсифлашга ҳаракат қилади: «Субъектив модаллик қуйидаги турларга бўлинади: эмотив, эпистемик, деонтик ва аксиологик»<sup>7</sup>.

Модаллик категорияси хусусияти кенг ўрганилганига қарамай, ҳозиргача модаллик категориясининг мазмуни ва кўлами ҳақида ягона тўхтамга келинган эмас. Когнитив тилшуносликда қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, аммо эртакларда модаллик категориясининг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий жиҳатлари чуқур ўрганилган эмас, турли тиллар, қолаверса, француз ва ўзбек эртаклари билан қиёслаб ўрганилиши лисоннинг янада серқирралигини намоён қилишга кўмаклашади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф–1–06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал тадқиқот лойиҳаси ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик категориясининг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий хусусиятларини очиқ бериш, ҳар бирига хос ўхшашлик ва дифференциал белгиларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«модаллик», «концепт» ва «фрейм» назариялари ҳақида билдирилган жаҳон тилшунослигидаги фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш;  
француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик категориясининг хусусиятларини асослаш;  
қиёсланаётган тилларда турли фреймларни таҳлил қилиш;

---

– Т.: Фан, 2010. – Б.150; Мухамедова С. Когнитив лингвистика: вужудга келиши, асосий тушунчалари ва йўналишлари. Систем-структур тилшунослик муаммолари. – Самарқанд, 2010. – С.189.

<sup>5</sup> Эпоева Л.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты изучения языка волшебной сказки. Автореф. дисс. канд. филолог.наук. – Краснодар, 2007. – С.13–29;

<sup>6</sup> Ивченко М.В. Функционально-Семантические и лингвокультурологические особенности вербализованного концепта «волшебство» в сказачном и рекламном дискурсах. Автореф. дисс. канд. филолог.наук. – Р.Д., 2010. – С.21–32.

<sup>7</sup> Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Афтореф. филол. фан. док. дисс. – Т., 2010.



француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик турлари ва концептуал белгиларни аниқлаш;

модаллик, модус ва диктум категорияларининг ўзаро боғлиқлигини исботлаш;

француз ва ўзбек эртакларида ўхшаш ва фарқли мотивларни таҳлил

қилиш орқали икки халқнинг миллий менталитетига хос хусусиятларни очиб бериш;

«эртак концепти» ва «эртак фрейми» моҳиятини француз ҳамда ўзбек эртаклари мисолида далиллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида француз ва ўзбек эртаклари матнлари танлаб олинди.

**Тадқиқот предметини** француз ва ўзбек эртаклари матнидаги модаллик категориясининг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, дистрибутив, статистик, лингвокогнитив, концептуал, функционал, трансформацион ва фрейм таҳлил методлари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик категориясининг лингвокогнитив хусусияти истак, мақсад, буйруқ, темпораллик, интеррогативлик каби концептуал белгиларда акс этиши исботланган;

қиёсланаётган тилларда фреймларнинг ядро ва периферия каби семантик гуруҳларга бўлиниши ҳамда модаллик, модус ва диктум категорияларининг семантик боғлиқлиги далилланган;

француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик категориясининг миллий-маданий хусусиятлари «бешик», «сандал», «тандир», «қатлама», «атала», «офтоба», «фойтун», «черков», «сарой», «ғижжак», «чўқинтириш маросими», «қалин», «фотиҳа» каби лингвокультуремалар воситасида асосланган;

француз ва ўзбек эртакларининг бошланма ҳамда тугалланма қисмлари бир-биридан грамматик, семантик, структур хусусиятлари билан фарқланиши асослаб берилган.

«фрейм» ва «концепт» тушунчаларга бўлган назарий фикрларга муносабат билдирилиб, «эртак фрейми» ва «эртак концепти» моҳияти эртаклар мотивида ишлаб чиқилган;

француз ва ўзбек эртакларидаги миллийлик, умумийлик, хусусийлик, ўхшашлик, фарқли жиҳатлар «кураш тушиш», «туш кўриш», «сандиқда оқиб келиш», «узоқ уйқуга кетиш» каби мотивлар уйғунлигида исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

категориал модаллик доирасидаги лисоний бирликларнинг изоҳли луғатини яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

француз ва ўзбек тилларидаги от, сифат, сон, равиш ҳамда феъл сўз туркумларида модаллик категориясини ҳосил қилувчи концептуал белгилар исботланган;

француз ва ўзбек миллий характери эртақ матнида тақдим этилган лингвокультуремалар ва аксиологик тус олган концептлардан келиб чиқиб баҳоланган;

модал феъллар, эртақларда мотивларнинг модаллик категорияси билан келиши, модаллик категориясининг хусусиятлари тўғрисида маъруза матнлари яратилган;

икки халқни характерловчи концептнинг қатор маданий доминантлари аниқланган ва уларнинг модаллик категориялари билан уйғунлашуви асосланган;

икки тил сеҳрли эртақларидаги «ғаройиб предмет»лар билан боғлиқ мотивларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий аспектда асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, статистик, лингвокогнитив, концептуал, трансформацион ва фрейм таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот тилнинг энг мураккаб, серқирра ва сермазмун илмий аҳамиятга эга бўлган модаллик категориясининг хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш учун кенг йўл очади. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясини қиёсий аспектда ўрганиш чоғиштирма тилшуносликнинг тадқиқот тамойилларини янада бойитади. Француз ва ўзбек эртақларидаги модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий жиҳатларини фарқлашда, бадий-эстетик табиатига дахлдор масалаларни қиёсий ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Диссертация хулосаларидан, жумладан, тадқиқотдаги француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясини комплекс ёндашиш орқали қилинган таҳлиллардан, француз ҳамда ўзбек тиллари мисолидаги турли фреймларнинг қиёсидан «Назарий грамматика», «Амалий грамматика», «Лексикология», «Таржима назарияси», «Тил аспектлари амалиёти» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотнинг илмий-назарий натижаларидан «Модаллик категориясининг жиҳатлари, француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг хусусиятлари» мавзусида махсус курс ва семинар машғулоти ташкил қилиш, маърузалар матни яратиш, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзиш, шунингдек, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаси билан боғлиқ бўлган мутахассислар амалий ва илмий изланишларида материал ва қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тил тизимининг барча сатҳларида – фонетик, лексик-фразеологик, морфологик ва матн бирликлари даражасида намоён бўлган модаллик категориясининг турли лисоний воситалар ёрдамида қўлланилиши ҳамда ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган қиёсий типологик таклифлар асосида:

чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари (CEFR) асосида «Français B1» дарслиги мазмун-мундарижасига модаллик категориясининг хусусиятлари, модал муносабатлар, маданиятлараро мулоқотга дахлдор масалалар сингдирилган (№355-077). Жорий этилган материаллар француз ва ўзбек эртақларидаги модаллик категориясининг миллий ўзига хосликларини очиб беришга хизмат қилган;

француз ва ўзбек эртақларидаги миф, эртақ, афсона ва ривоятларнинг хусусиятлари, Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Мифологик образларнинг ўзбек ва француз эртақларидаги қиёси» қисмини тайёрлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 14 ноябрь ФТК-03/В/794-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши модаллик категориясининг таржима жараёнидаги муштараклик ва ўзига хосликлари, адабий таъсир жиҳатлари, француз ва ўзбек эртақларидаги ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган мотивларни ўзаро қиёслаб, таҳлил қилиш имконини берган;

тадқиқот илмий натижаси мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда талабалар учун мўлжалланган « I Талабалар ва ўқувчилар франкофон театр фестивали»ни ўтказиш сценарийсига киритилган, шунингдек, «Bonnes festivités» номли сахна кўринишида фойдаланилган (Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг 2016 йил 14 нобрдаги маълумотномаси). Сахналаштирилган мазкур спектаклда миллий-маданий хусусиятларни характерловчи «байрам», «тўй», «бахт», «шукроналик», «андишалик», «шарм-ҳаё», «меҳрибонлик», «хурсандчилик», «ҳазилкашлик», «ҳашар» каби концептлар ҳамда лингвокультуремаларнинг модал муносабатлар кўринишида намоён этилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, «Филологиянинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2008); «Замонавий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2008); «Германистика ва романистиканинг Ўзбекистонда тараққиёти ҳамда келажаги» (Бухоро, 2008); «Роман ва герман тилшунослигининг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2009); «Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий-типологик изланишлар» (Бухоро, 2009; 2014; 2015; 2016); «Актуальные проблемы менталингвистики. VI Международная научная конференция» (Украина, 2009); «Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида» (Тошкент, 2011); «Филология Искусствоведение» (Челябинск, Россия, 2012); «Чет тилларни ўрганишнинг замонавий муаммолари ва истиқболлари» (Бухоро, 2014); «Современная филология. III Международная научная конференция» (Уфа, Россия, 2014); «Филология масалалари» (Бухоро, 2015); «Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари» (Бухоро, 2015); «Юкори малакали кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалалари» (Бухоро, 2016); «Филология масалалари» (Тошкент, 2016); «Роман-герман тилшунослигининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016); «Таълим тизимининг барча

босқичларида чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш истиқболлари» (Тошкент, 2016); «Чет тилларнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016); «Чет тилларни ўқитишда коммуникатив ёндашув: тил, тафаккур, маданият» (Бухоро, 2016); «Ўзбекистонда филология илми ва таълими: натижа ва истиқбол» (Самарқанд, 2016) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та дарслик, 4 та методик қўлланма, ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамалар изоҳидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 233 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда модаллик категорияси илмий-назарий асосларининг ёритилиши**» деб номланган биринчи бобида модаллик категорияси, «модус» ва «диктум» тушунчалари, модаллик категориясининг ривожланишида тил ва маданиятнинг ўрнига доир мулоҳазалар, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

Модаллик категорияси нафақат табиий ва ижтимоий фан соҳаси олимларини, балки тилшунос олимларни ҳам бирдек қизиқтириб келаётган муаммолардан бири бўлиб, лексикология, фразеология, сўз ясалиши, морфология, когнитив ва матн тилшунослигида кенг қўлланмоқда. Маълумотларда келтирилишича, «модаллик» тушунчасини фанга биринчилардан бўлиб Аристотель олиб кирган. Ўша даврдан буён модаллик бир қанча фалсафий, мантикий ва тилшунослик билимларининг асосий мавзуси бўлиб келмоқда. Маълумки, «*модаллик* (лотинча *modalis* – ўлчов, усул) фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли кўринишларини ифодаловчи функционал-семантик категориядир»<sup>8</sup>. Ш.Балли модаллик категориясига шундай таъриф беради: «Модаллик – гапнинг қалби, юрагидир»<sup>9</sup>. Ф.Брюно тилшуносликда мавжуд бўлган «маънодан шаклга»

<sup>8</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 т. – Т., 2000. – Б.38.

<sup>9</sup> Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. – С.44–60.

тамойилига таяниб модал тушунчаларни асослайди: «Модаллик категориясини ифодаловчи воситаларга оҳанг, замон, сўз тартиби ва феъл майллари киради»<sup>10</sup>. В.Гакнинг фикрича, «Модаллик уч босқичга бўлинади: 1) хабар бериш хусусиятига кўра – декларатив (Je dis que Pierre viendra) ва перформатив (J'ordonne que Pierre vienne) модаллик; 2) воқеликни билиш хусусиятига кўра – ишончилилик (je sais) ва эҳтимоллик (Je suppose); 3) муносабат хусусиятига кўра – истак (je veux qu'il vienne)»<sup>11</sup>. Ж.Муир модаллик категориясини инглиз тили нуқтаи назаридан ўрганган, модал маъно нозикликларини алоҳида ажратиб, модаллик бўлимига киритади: «Феъл шакллари майл деб аталиб, улар тасдиқ, сўроқ ва буйруқ каби модал маъноларни ифодалайди»<sup>12</sup>. М.Хэллдейнинг фикрича, «Модаллик мулоқотнинг муҳим функционал хусусияти, шахс орасидаги функция, мулоқотда қатнашаётган сўзловчининг ифода шакли ҳисобланади»<sup>13</sup>. Шунингдек, «Тилда модаллик категорияси каби турли-туман, қарама-қарши фикр билдирилган ва унинг тилдаги алоҳида маъноларининг ранг-баранг табиатичалик кўп талқин қилинган категория йўқ»<sup>14</sup>.

Модаллик категориясининг намоён бўлишида бу қадар кенг имкониятлар мавжудлиги, ушбу категориянинг умумлисоний ҳодиса эканлигидан ва унинг ўрганилиши тил қурилишининг моҳиятини англаш учун муҳимлигидан далолат беради. Санаб ўтилган тил белгилари модаллик категориясини ташкил қилиб, предикатларни аниқлашда фаол иштирок этади. Турли мазмундаги хабарлар, маълумотларни ёрқин ифода этиш, аниқ ва тежамли баён қилиб узатиш учун хизмат қилади, лексик, семантик, грамматик категорияни ҳосил қилади.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослари Ш.Балли, Ф.Брюно, Е. Вольф, Э.Бенвенист, Ж.Дюбуа, Б.Потье, Т. Алисова, А.Нурманов ва Н.Маҳмудов<sup>15</sup> томонидан грамматик категориялар масаласи доирасида модус ва диктум муносабатлари таҳлил қилиниб, назарий фикрлар илгари сурилган.

Модус лотинча «modus» сўзидан олиниб, «образ, усул, шакл» ва лотинча «diktum», яъни «айтилган фикр» деган маъноларни англатади. Маълумотларда келтирилишича, модус категорияси ҳақидаги тушунча тилшунослик фанига Ш.Балли томонидан киритилган. Олимнинг фикрича, «Эксплицит гап икки қисмдан ташкил топган бўлиб, бири тасаввур ҳосил қиладиган жараёнга коррелятив бўлади, «диктум» деб, иккинчиси фикрловчи субъект амалга оширадиган операцияларга коррелятив бўлади, «модус» деб

<sup>10</sup> Brunot Ferdinand. La pensée et la langue. – P., 1936. – P.514.

<sup>11</sup> Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М., 1986. – С.108 – 147.

<sup>12</sup> Мур Д.Э. Доказательство внешнего мира. – М., 1993. – С.66–84.

<sup>13</sup> Halliday M.K. System and function in language: Selected papers. Ed. By G. R. Kress London. Oxford Univ. Press. 1976. – P.197.

<sup>14</sup> Панфилов В. З. Грамматика и логика. – М., 1963. – С.80

<sup>15</sup> Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. – С.44–60. Brunot Ferdinand. La pensée et la langue. – P., 1936. – P.514. Вольф У.М. Функциональная семантика оценки. – М., 1985. – С.227. Benveniste E. Problème de linguistique générative. – P., 1981. – P.286. Dubois J. Grammaire structurale du français: le verbe. – P.: Larousse 1967. – P.1263. Pottier V. Représentations mentales et catégorisations linguistiques, Paris, Louvain, Peeters, 1976, 2000, – P.318. Алисова Т.Б. Дополнительне отношения модуса и диктума. 1971. – С.54 – 64. Маҳмудов М., Нурманов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т., 1995. – Б.56 – 59.

аталади»<sup>16</sup>. Олим Н.Махмудов ўз тадқиқотида эргашган қўшма гаплардаги диктум ва модус мазмунининг ифодаланиш хусусиятларини ёритади: «...бу ўринда гап маъносидаги икки хил табиатли мазмунни – диктум ва модусни фарқлаш керак бўлади». Гакнинг: «Диктум – воқеликни акс эттирса, модус сўзловчининг воқеликка бўлган муносабатини ифодалайди»<sup>17</sup> деган фикрига қўшиламиз. Гапнинг қайси тури бўлмасин, содда ёки қўшма – уларда модус ва диктум мавжуд бўлади. Модус ва диктум бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдириб келган бир воқеани ифодалайди.

Замонавий тилшуносликда етакчи ўринда тилни англаш эмас, балки тил, маданият ва шахснинг ўзаро муносабатларини ўрганиш тақозо этилади, бир-бирини тушуниш муаммоси ўртага тушади. Кўрсатилган учликнинг ўзаро муносабати тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишда муҳим жиҳатни касб этади. Модаллик категориясининг ривожланишида тил ва маданиятнинг ўрни катта аҳамиятга эга. С.С.Ваулинанинг таъкидлашича, «тил бир ҳисобда воқеликни тўғридан-тўғри эмас, балки ўзининг тузилиши орқали акс эттиради, тилдаги модалликни «иккита ҳар хил қатламдан, онтологик ва гносеологик модалликлардан ташкил топган кенг семантик категория»<sup>18</sup>. Қолаверса, модаллик категориясини қиёслашда тиллараро лингвомаданий фарқлар ёрқин ифодаланади. Модаллик турли халқларнинг маданий концептлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Тадқиқотнинг «**Когнитив тилшуносликда «эртак концепти» ҳамда «эртак фрейми»га доир назарий қарашлар**» деб номланган иккинчи бобида когнитив тилшунослик йўналишида «концепт», «фрейм» терминига доир назарий қарашлар, «эртак концепти» ва «эртак фрейми» моҳияти тўғрисидаги фикрлар умумлаштирилган, уларга муносабат билдирилган.

Фрейм инглизча «frame» сўзидан олинган бўлиб, «каркас» ёки «рамка» деган маъноларни англатади<sup>19</sup>. Бу атамани биринчи бўлиб фанга 1974 йилда, сунъий интеллект муаммолари ҳамда компьютерда билимларни намойиш этиш усулларини тадқиқ қилган америкалик олим М.Минскийдир. Ушбу атама сунъий интеллектни моделлаштириш жараёнини тасвирлашда фойдаланишни давом эттириб, ўз ўрнини когнитив тилшуносликда топди десак, муболаға бўлмайди. Ч.Филлмор «фрейм» тажрибани андозага солувчи когнитив тузилма бўлиб, лисоний birlikлар воситасида шаклланишини айтади: «Фрейм – концептнинг негизини ташкил қилади»<sup>20</sup>. Н.В.Волосухина концепт ва фрейм орасидаги ўзаро муносабатни таҳлил қилади: «Фрейм – когнитив модел бўлиб, концептнинг скелетидир»<sup>21</sup>, Ш.Сафаровнинг ўзбек тилшунослигида «фрейм» атамаси ҳақидаги назарий қарашлари алоҳида аҳамият касб этади: «Ҳар бир шахс онгида «фреймлар тўри тўплами»

<sup>16</sup> Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. – С.44–60.

<sup>17</sup> Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. – М., 1986. – С.312.

<sup>18</sup> Ваулина С.С. Эволюция средств выражения модальности в русском языке. – Л., 1988. – С.143.

<sup>19</sup> Минский М. Фреймы для представления знаний. – М., 1979. – С.52–55.

<sup>20</sup> Филлмор Ч. Фреймы семантика понимания. Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка. – М., 1988. – С.52–92.

<sup>21</sup> Волосухина Н.В.К вопросу о трактовке понятий «концепт» и «фрейм» в современной лингвистике. Волгоград, 2000. – С.18–20.

мавжудки, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андоза»лар асосида амалга ошишини таъминлайди»<sup>22</sup>.

Фреймнинг табиати ва унинг асосий белгилари ҳақида билдирилган жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, турли тадқиқотларда мазкур тушунчага берилган таърифлар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради ва бир-бирини тақазо этади.

Назаримизда, концепт билан фрейм орасида етарли даражада ўзаро боғлиқлик мавжуд, биринчидан, иккала тушунча инсон онгидаги билимлар базасини ифодалайдиган сатҳга тегишли, иккинчидан, ментал тузилмалар сифатида уларнинг онтологик умумийлигидир. Шунингдек, концепт билан фрейм орасида етарли даражада фарқ мавжуд. Концепт билимлар базасини ифодалашда структура, гештальт ва кичик (бўлинмайдиган) бирликда турли лисоний сатҳ маъно бирлиги сифатида бўлиши мумкин. Семантик бўлиниш хусусиятига эга бўлган фрейм билимнинг у ёки бошқа бир концепт билан боғлиқ бўлган, асосий ахборотни ўзида мужассам этган структураси дейиш мумкин. Фреймни лексик концептнинг тури сифатида қараб чиқиш учун, аввало, «когнитология» ва «когнитив тилшунослик» каби тушунчалар моҳияти хусусида тўхталиш лозим. «Эртак» сўзи концепт сифатида ҳар халқда ҳар хил бўлиб, тушунча сифатида эртак ҳар бир халқнинг нафақат тили, балки миллий маданияти ва миллий тафаккури нуқтаи назаридан ўзаро фарқ қилади. Когнитив тилшуносликда «эртак» концептига, аввало, инсонларнинг у ҳақдаги билим ва тажрибалари акс этган ахборот манбасини ифодаловчи ментал бирлик деб қаралади. Иккинчидан, когнитив семантика нуқтаи назаридан эртакнинг маъно табиати ва шакл муносабати ўрганилади. Учинчидан, «эртак»ка ҳам концепт, ҳам сўз сифатида ёндашилар экан, улар орасидаги маъно муносабати таҳлил қилинади.

«Эртак» концепти билимлар мажмуини ташувчи, миллий-маданий семага эга бирликдир. Бошқа лексик бирликлар қатори «эртак» лисоний бирлигида ҳам халқнинг асрий турмуш тажрибаси, ҳаётини кузатиш ва хулосалари асосида жамланган билим мажмуи ётади. Ана шу билим мажмуи нуқтаи назаридан қаралганда, «эртак»нинг когнитив концепт сифатидаги моҳияти намоён бўлади. У орқали билим ҳосил қилиш мумкин. Бунда билим ҳосил қилишнинг босқичлари босиб ўтилади (эртак тингланади ёки ўқиб-ўрганилади, эртак хусусиятлари аниқланади, эртакдаги ҳар бир эпизод, мотив ва образ шарҳланади, қиёсланади, таснифланади, тарбиявий аҳамияти тўғрисида хулоса чиқарилади, хулоса амалиётга татбиқ қилинади ва ҳ.к.). «Эртак» когнитив концепти замиридаги билимлар шу кўринишдаги муайян сценарий асосида шаклланади ва уни идрок қилиш ҳам шу тартибда кечади.

Концептларни универсал маъноли ҳамда миллий-маданий концептларга ажратиш мумкин. Шу жиҳатдан қаралса, эртакнинг универсал концепт сифатида намоён бўлиши равшанлашади, чунки эртак барча халқларнинг оғзаки ижодига хос қадимий ва анъанавий жанрлардан биридир. Аммо,

<sup>22</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах. Сангзор, 2006. – Б.25–46.

айтайлик, эртакларда тасвирланадиган тўй мотивини ёки узук образини ҳар бир миллат ҳар хил тушуниб, ўз фаолиятида уларга ҳар хил муносабатда бўлиши инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Шунда уларнинг концепт сифатидаги табиати ва моҳияти юзага балқиб чиқади. Демак, бунда эртақ концепти миллий менталитетни англашга хизмат қиладиган калит сўз, яъни таянч тушунчадир.

Концептни аниқлаш тадқиқотчилар томонидан турли усуллар ёрдамида амалга оширилганини кузатиш орқали шу тажрибаларга таяниб, эртақ концептини қуйидагича аниқлаш мумкин: 1) сўз этимонини аниқлаш ёрдамида. Бунда «эртақ» сўзининг ёзувгача бўлган тарихини аниқлаш йўлидан бориб иш юритилади; 2) «эртақ» этимонидан ҳосил бўлган сўзларни ўрганиш; 3) диахронияда ясама сўзни қўллашни ўрганиш орқали, яъни эпедигматик боғланишларни ўрганиш; 4) «эртақ» атамасини синхрон даражада ўрганиш; 5) «эртақ» сўзи билан парадигматик боғланишдаги сўзларни ўрганиш; 6) «эртақ» сўзини бошқа тиллардаги шунга яқин сўз концептлар билан таққослаб ўрганиш тақазо қилинади. «Эртақ» концептини бошқа концептлардан ажратиб олиб бўлмайди, аксинча, уни бошқа концептлар билан ўрганиш керак бўлади.

«Эртақ» фреймини таҳлил қилар эканмиз, эртакларда рефрейминг, яъни инсоннинг гени билан боғлиқ руҳий таҳлил асосида ҳам аниқланиши кузатилади. Маълумки, инсон ҳаёти давомида ўқиши кераклигини, уйланиши лозимлигини, фарзандлар кўриши муҳимлигини, лекин ўлиши кераклигини ҳам билиб яшайди. Масалан, эртақ қаҳрамонининг дастлаб туғилиши, тарбияланиши, кейин ўз бахтини синаб кўришга ва ўз бахтини топишга интилиши каби эртақ сюжетини таъминлайдики, бу аслида инсоннинг ҳаётдаги умр макросценарийсини ўзида намоён этади.

Фреймда асосий тушунча (образ) ва унинг атрофидаги ёрдамчи образлар бўлади. У асосий объект (образ ёки мотив) тафсилотлари ҳақидаги билимларни қамраб олади. Шунингдек, эртақдаги объект ва субъектлар муносабати ҳақидаги билимлар ҳам фреймдир. Бу жиҳатдан фреймининг умумий моҳияти феъл нисбатлари моҳиятини ёдга солади: 1) реал, аниқ тушунча ва образларни кузатиш мумкин: сарой, дарахт, чол, кампир, подшо, вазир, бой, деҳқон, кўл, ўрмон, уй, тоғ ва ҳ.к.; 2) эртақ воқелигини ҳар бир тингловчи ўзича англаб, ундан ўзи учун зарур хулосани чиқаради; 3) эртақда мавҳум тушунчалар талқинига ҳамда кўзга кўринмас ҳаёлий-мифологик образлар ва ғайритабиий тилсим предметлар, сирли маконлар тасвирига дуч келиш мумкин: қайнар хумча, очилдастурхон, учар гилам, уртўқмоқ, ялмоғиз, одамхўр, эльф, гном, дев, сув париси ва ҳ.к.; 4) эртақ мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий хулоса ҳаммага бирдай тегишли бўлиши мумкин; 5) эртақ тинглаб бўлингач, унда илгари сурилган эзгу интилишларга эргашиш, ёмон иллатлардан қочиш каби масъулиятнинг тингловчилар зиммасига орттирилиши кузатилади. Шунинг учун у ижтимоий ўзаро ҳаракат (интеракция ҳақидаги билимлар) мажмуини ўзида намоён этади.

Тадқиқотнинг «**Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг ифодаланиши**» деб номланган учинчи бобида француз ва



Ўзбек эртақларида «*хоҳиш-истак*», «*мумкинлик-шарт*», «*зарурурият-керак*» категорияларининг хусусиятлари очиб берилган.

«Интилиш истакни амалга ошириш жараёнидаги ҳаракатдир. Истакни ифодаловчи феъллар ҳис-туйғуни вужудга келтирувчи феъллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар одамга яқинликни ва унга бўлган меҳр-муҳаббатга мойилликни англатиб келади»<sup>23</sup>. Истак категориясини қуйидаги семантик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) хусусий истак: «*Je veux un mouton qui vive longtemps*» (SE.PP, 24). *Je veux* – тўлиқ хусусий истак маъносини англатиб презенс (ҳозирги) замонда келмоқда; «*Менинг ишим зарур, ўтиришига вақтим йўқ. Ташқарига чиқишини хоҳлайман*» (ББЭ.СУ, 47), *чиқишини хоҳлайман* – тўлиқ хусусий истак маъносини англатиб, презенс замонида келмоқда; 2) бирор ишни бажариш учун қилинган ният ёки мақсад истаги: «*Je veux que tu montes aussi haut que possible*» (BDF, 19); *Vouloir* (хоҳламоқ, истамоқ) феъли, яъни *je veux que* ният ва мақсад истагини ифодаламоқда. «*Салом бош кийимни зўрға бир олтинга сотибди, бозорни айланиб кўринган нарсани олиб келмоқчи бўлибди* (ЎХЭ, 89); бирор ишни қилиш ёки бажариш учун ният (олиб келмоқчи) истаги орқали берилмоқда; 3) буйруқ маъноси билан уйғунлашган истак. «*Ma fille est malade, – dit le Roi, – je veux que vous apportiez la pomme die vie pour la guerir*» (HVTM, 52). Бунда буйруқ (*apportiez*) + истак (*je veux*) шаклида келмоқда; – «*Эй, подшоҳи олам, биттаю битта қизимни ўлдирмаслигингни сўрайман*» (КБТ, 31). Мазкур мисолда буйруқ+истак (*ўлдирмаслигингни сўрайман*) ўзаро уйғунлашиб келмоқда; 4) бирор ҳаракатни амалга ошириш учун қилинган уриниш, аммо амалга ошмаган истак; «*Кичкинтойлар уни кўргани қишлоққа борганларида, хола улар билан қучоқлашиб кўришмас, болалар уни ўпмоқчи бўлишса, бунга ҳам йўл қўймасди*» (МК, 74); 5) пайт, сабаб, натижа, қиёс, шарт, тўсиқсиз ва ўрин маънолари билан уйғунлашган истак: сабаб истак: «*La reine voulait savoir la verité, mais le prince n’osait pas se fier à elle de son secret*» (CP.BBD, 23); натижа истак: «*J’épouserai la fille qui pourra passer) cette bague à son doigt*» (CP.PA, 70); ўрин-пайт истак: «*Подшо уйғониб қараса, туши экан*» (ЎХЭ, 98); маслаҳат истак: «*Бунинг учун аввал вазирларини чақириб, маслаҳат сўрабди*»; ўрин истак + сабаб истак: «*Ҳой бола, сен кимнинг боласисан, бу ерда нима қилиб ётибсан?*» (КБ.Т, 46). – қиёс истак: «*Қанийди, мен ҳам шу одамлардек ўйнаб-кулсам*» – *дебди қиролича* (БВБК, 64.); инкор истак: «*Биронтаси ҳам мен билан яшашни истамайди*» (ЖСЭ, 66). Истак категорияси истак мазмунида буйруқни сингдириш ҳолатини кузатиш мумкин: «*Она, сиз уларни яхшилаб меҳмон қилинг (буйруқ)*», *қасрнинг эгаси ким деса, индаманг* (таъкид). *Мен сизни чақириб: «Кўлимга сув қуйинг (буйруқ)» – дейман. Сиз офтоба билан чилопчинни олиб, менинг қўлимга сув қуймоқчи бўлинг* (хоҳиш, ният). *Шунда подшоҳ туриб «сувни мен қуяман» – дейди, сиз унга офтобани беринг* (буйруқ)», – *дебди*» (ЎХЭ.СН, 13).

<sup>23</sup> Васильев Л. М. Современная лингвистическая семантика. Изд. 2-е, доп. – М., 2009. – С.191.

Француз эртақларида истак категориясини ифодалашда модал феъллар (*vouloir, pouvoir, devoir, falloir*) асосан, мустақил феъллар билан бирга кўпроқ, ёрдамчи феъллар билан камроқ қўлланилади. Ўзбек эртақларида эса, истак маъносининг ифодаланишида мустақил феъл билан бирга кўмакчи феъллар кўпроқ қўлланилади. Француз эртақларидаги модал феъллар маъноси ўзбек эртақларидаги феълнинг махсус аналитик модал вариантлари билан (-моқчи эмиш, -моқчи экан, -моқчи эди, -моқчи эмасди, -гиси келди, -гим(қим) келяпти, -сам девдим ва хоказо) ифодаланади.

Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категорияларининг қўлланилиши билан бир қаторда *мумкинлик ва зарурият* категориялари бошқа категориялар каби семантик майдонни ташкил қилади ва лексик, морфологик ва синтактик воситаларни бирлаштиради. Француз эртақларида модал феъл *pouvoir*, модал сўз *мумкин* ёки модал феъл қурилмаси *Il est possible* каби тил воситалари орқали ҳамда истак категорияси *vouloir* модал феъли *эмоционалик, мумкинлик, истак, зарурият, реаллик* билан берилиши мумкин: «*Cendrillon sourit et leur dit: Elle était donc bien belle? Mon Dieu! que vous êtes heureuses! ne pourrais-je donc pas la voir!*» (СФ.С,71). Мисолда мумкинлик – *ne pourrais-je*, истак-*tu voudrais bien, eût bien voulu*, зарурият – *il faudrait, qu'elle ne put achever* каби кўплаб модаллик категориясининг турлари қўлланилмоқда. Ўзбек эртақларида ҳам мумкинлик-шарт категорияси турли лисоний бирликлар билан берилмоқда: «*Кулойим жилмайиб, уларга дебди: «Уни жуда чиройли дедингларми? Мунча бахтли бўлмасангизлар, онажонларим? Шундай гўзал малика билан танишибсизлар. Мен ҳам уни бир кўрсам бўлармикан*» (ОҒЭ.К, 28).


Француз эртақларида «истак», «мумкинлик», «зарурият» каби категориялар: 1) модал феъллар (*vouloir, pouvoir, devoir, falloir*); 2) модал сўзлар (*sans doute, sans aucun doute, bien sûr, certainement, vraisemblablement, assurément, forcément, certain, sûr, convaincant*); 3) модал боғловчилар (*on dit que, affirme que, le bruit court que*); 4) феълнинг шахссиз шакллари (*il est sûr que, il se peuxque, il semble que*); 5) кўшма феъллар (*avoir envie de, faire envie à, respecter les volontés de, faire la volonté de, avoir la volonté de*); 6) махсус феъл шакллари (*assurer, croire, penser, considérer, estimer, juger, supposer, imaginer, envisager, soupçonner, douter, contester sembler*); 7) интонация каби тил бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Ўзбек эртақларида «истак», «мумкинлик», «зарурият» каби категориялар: 1) феълнинг аналитик шакллари (-*ги-си келди, -моқчи, -ги-м (-қи-м)*), -(*и*)*ш керак, керак эди, -(и)ш лозим, -маса(м) бўлмайди, -моқчи эди(лар), -га мажбур (ман)* феълнинг кўшма шакллари (-*са-м девди-м, -қи-м келяпти, - ги-си келарди, -моқчи эди* х.к.), 2) модал феъллар: *керак (лозим, мажбур) бўлмоқ, истамоқ, хоҳламоқ*, 3) модал сўзлар: *эхтимол, албатта, керак, лозим, даркор, мумкин* каби лисоний бирликлар билан ифодаланади.

Тадқиқотнинг «**Француз ва ўзбек тилларида «фрейм» таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида француз ва ўзбек тилларида «*мумкинлик*», «*зарурият*», «*истак*» фреймларининг ифодаланиши таҳлил этилган.

Когнитологияда фрейм, концепт, сценарий, скрипт, гештальт, прототип, категория каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим тузилмаларини англатади ҳамда мазкур тушунчалар модаллик тушунчаси билан ўзаро уйғун боғланиб, кенг қўлланади.

Биз француз тилида «мумкинлик», «зарурият», «истак» фреймлари доирасига кирувчи феълларни икки: кучли ва кучсиз гуруҳга ажратдик. «Зарурият» фреймини қўллашда француз тилида *devoir* модал феъли ва унинг синонимларидан фойдаландик. Мазкур феъллар диалогик ва ёзма нутқда қўлланиб, зарурият маъноси билан бирга *тахмин*, *ҳолат*, *истак*, *буйруқ* каби маъноларни ҳам ифодалаб, зарурият макромайдонинг моҳиятини янада мустаҳкамлайди. Зарурият фреймининг биринчи гуруҳи ўз таркибига *devoir* феълининг 9 хил хусусиятини камраб олади:

- 1) *devoir*; 2) *se devoir*; 3) *nécessaire* adj.;
- 4) *nécessaire*+verbe impressionel;
- 5) *il est nécessaire de*+inf.;
- 6) *il est nécessaire que*+subj.;
- 7) *il n'est pas nécessaire de*+inf.;
- 8) *il n'est pas nécessaire que* subj.;
- 9) *nécessaire* nom; 10) *nécess.* adv.;
- 11) *nécessite* nom;
12. *nécessiter* v.tr.
- 13) *nécessiteux*, *euse*. adj.;
- 14) *il faut* v inf.; 15) *il faut que* v.subj.
- 16.*avoir besoin de* v. inf.;
- 17) *avoir besoin que* v. subj.;
- 18) *il est besoin que* subj. inf.;
- 19) *il est nécessaire de* v. subj.;
- 20) *il est nécessaire que* v. subj.




- 1) *il est indispensable de* v.inf.;
- 2) *il est indispensable que* v.subj.;
- 3) *il convient de* v.inf.;
- 4) *il convient que* v.subj.;
- 5) *il importe de* v.inf.;
- 6) *il importe que* v.subj.;
- 7) *il est inévitable que* v.subj.;
- 8) *être obligé de* v.inf.;
- 9) *être forcé de* v.inf.;
- 10) *être contraint de* v.inf.;

*devoir* (qqch.), à (qqn); *devoir* + *d'un inf.*; *devoir* + *d'un inf.*+ *présent* + *cond.*; *devoir* + *d'un inf.* + *subjonctif présent* + *imparfait ind.*; *devoir* + *imp.ind.* *d'un inf.*; *devoir* + *subjonctif инверсия* + *d'un inf.*; *se devoir* + *pronom*; *être obligé de se consacrer à*; *se devoir de* + *le* + *inf.*; *falloir*; *avoir besoin*.

Иккинчи гуруҳга бошқа сўз туркумлари: от, сифат ва равишлар билан келган 13 хил лисоний бирликларни киритиш мумкин. Улар *зарурият* фреймини ифодалашда фаол қатнашади: *nécessaire*.adj.; *nécessaire*. adj→ *indispensable*; *nécessaire*→*obligatoire*, *obligé*; *nécessaire*→*absolu*, *inconditionné*, *premier*; *nécessaire* + *verbe impersonnel* (*il est nécessaire* + *il n'est pas nécessaire*); *nécessaire* nom → *nécessiteux*; *le nécessaire* → *minimum*; *le nécessaire* → *la nécessité*; *nécessairement* adv.→*absolument*; *nécessairement* → *fatalement*, *forcement*, *inevitablement*, *obligatoirement*; *nécessite* nom.→ *obligation*, *besoin*; *nécessiter* verbe tr.→ *contraindre* (qqn) à; *nécessiteux*, *euse*. adj. Юқорида берилган ҳамма лисоний бирликлар *зарурият* фреймининг ядроси ва *перифериясини* ташкил қилади ва улар мазкур фреймни ифодалашда кучли ва кучсиз гуруҳ деб юритилади.

Мумкинлик фреймининг асосий семантик ва структур белгилари иккита гуруҳга ажратилганда, ядрога, яъни кучли гуруҳга кирган мумкинлик фрейми 13 та семантик структурага ажратилади:

- 1) possibilité – nom;
- 2) possible/impossible – adjectif; 3) il est possible/impossible que + subjonctif; 4) il est possible / impossible + de + faire; 5) possible – nom; 6) possible – adverbe, le plus, le moins, le mieux.



- 1) arriver à v inf.v;
- 2) savoir v inf.;
- 3) oser vinf.; 4) parvenir à v inf.;
- 5) réussir à v inf.; 6) être capable de vinf.;
- 7) être incapable de vinf.;
- 8) être en état de vinf.;
- 9) être en mesure de v+inf.;
- 10) avoir le droit de vinf.;
- 11) être en droit de vinf.; 12) être autorise à vinf.;
- 13) il est permis de v inf.

*pouvoir + pronoms; pouvoir + avoir le droit, la permission de faire qqch; pouvoir + la modalité éventuelle et probabilité; pouvoir + le souhait; pouvoir + pronom impersonnel; pronom indéfini; pouvoir + une condition; pouvoir + exclamative; pouvoir + l'état; pouvoir + l'intensité; pouvoir + une évaluation; pouvoir + une action réelle; pouvoir + une action futur; pouvoir + cause, temporalité.*

Иккинчи, мумкинлик фреймига кирувчи отлашган конструкцияларни матндаги қўлланишига қараб 6 та гуруҳга ажратилади: *possibilité – nom; possible/impossible – adjectif; il est possible/impossible que + subjonctif; il est possible / impossible + de + faire; possible – nom; possible – adberbe; le plus, le moins, le mieux.* Берилган лисоний белгилар мумкинлик фреймининг семантик белгилари ҳисобланиб, ҳаммаси битта фреймни ифодалаб келган.

*Vouloir* феълининг *pouvoir, devoir* модал феълларидан фарқи, ушбу феъл эпистемик маънони ифодаламай, балки сўзловчининг доим истак, ният каби семаларни англатишига хизмат қилади. Мазкур феъл иккита моделни ташкил қилади. Мисоллар таҳлилига асосланган ҳолда истак фреймининг ўзига хос семантик ва структур белгиларини 23 та гуруҳга ажратиш мумкин. *Vouloir* феъли билан келган лисоний бирликларни 7 гуруҳга бўлиш мумкин. *Volonté* сўзи билан келган истак фрейми эса учга бўлинади. *Envie* сўзи қўлланган лисоний бирликлар 5 гуруҳни, *désir* сўзи ёрдами ифодаланган истак фрейми 4 та семантик конструкцияни, *souhait* сўзи билан келган турли хил сўз туркумлари 5 та семантик гуруҳга ажралиб, истак фреймини ёритиб беришга хизмат қилади: *vouloir* → *désier, souhaiter, avoir envie de +inf.+complément (N<sub>1</sub>V<sub>m</sub>V<sub>inf.</sub>); vouloir que+subjonctif (n<sub>1</sub> v<sub>m</sub> v<sub>inf</sub> que n<sub>2</sub> v<sub>subj.</sub>); vouloir + avec un pron. compl. neutre; vouloir + avec complément d'objet direct; vouloir + avec les adverbes -bien, mal, jamais, rien; vouloir + imper. → permettre + en formule de politesse.si + pron+ nom + vouloir avec une condition; volonté* сўзи билан келган истак фрейми эса учга бўлиниб кетди: *volonte n.f. → dessein, détermination, intendon, résolution, volition; volonté → caractère, énergie, fermete, opiniatrête, résolution. volontier-adv. → de bon cœur.*

Маълумки, ўзбек тилида «зарурият», «мумкинлик», «хоҳиш-истак»

фреймларининг семантик категория ифодаси морфологик йўллар билангина чекланиб қолмай, лексик йўллар (*модал сўзлар, модал юкламалар*) билан ҳам ифодаланади. Чунки ўзбек тилида модаллик маъноси турли *фeъл шакллари, кўмакчи фeъллар, тўлиқсиз ва модал фeъллар, модал сўзлар, модал юкламалар* каби тил бирликларидан ташқари, *махсус аффикслар ва аффикссимонлар* орқали ифода қилинади ва коннотатив модалликни ифодалайди. Бундай семантик хусусият ҳақида Э.Қиличев шундай ёзади: «Ҳозирги ўзбек тилида *-гина, (-кина, -қина), -ча, -чоқ, -чак, -лоқ, -жон, -хон, -ой, -вой* каби аффикс ва аффикссимонлар сўзловчининг объектив борлиққа, ўз нутқига бўлган модал муносабатини билдириб келувчи субъектив баҳо шакллариدير»<sup>24</sup>. Шунингдек, ўзбек эртак қаҳрамонлари номларида семантик ва модаллик хусусиятлари акс этганини кузатиш мумкин: «*Шундай замонларнинг бирида бир қишлоқда Бароқвой ит, Миёвжон мушук, ҳамда кеккайган Хўрозвой яшар экан*» (ББЭ.БМ ва X,126). Мисоллардаги *Бароқвой, Миёвжон, Хўрозвой* сўзларидаги аффикс ва аффикссимонлар бадий асарларнинг персонажларига хос мулойимлик, ёқимлилик, камситиш, эркалаш, севиш, кичрайтириш кабилар коннотатив маъноларни ифодалаб, аксиологик ва эпистемик модаллик хусусияти орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбек тилида *зарур, лозим, керак, муҳим, шарт* каби фреймлар синонимик қатор ҳосил қилади, шундан келиб чиқиб, модал сўзларнинг вазифадош турлари борлигини илғаш мумкин. Айни пайтда синонимик қатордаги *зарур, керак, лозим, муҳим* сўзлари сифат туркумидан ўсиб чиққан бўлса, биргина *шарт* сўзи от туркумига хосдир. Шундай бўлса-да, уларнинг синонимик қатор ҳосил қилиши қизиқ далил. Негаки, ўзаро синоним сўзлар кўпинча бир туркум доирасига мансуб саналади. Демак, бу ўринда уларни яхлит синонимик қатор сифатида бирлаштириб турган асос – бу *модал мазмуннинг бирлигидир*. Шакл томонидан «фрейм» номама, маъно жиҳатдан «концепт» семемадир. Агар *зарур* сўзи фрейм сифатида қараладиган бўлса, унда кўпроқ модаллик муносабати акс этиши сезилади. Бу сўзнинг *ядро* маъноси *керак, лозим* сўзлари билан уйғун. *Муҳим* ва *шарт* маънолари билан у *периферия* доирасида *зарур* сўзи *керак, лозим* сўзлари билан ўзаро синонимлашади:

- 1) зарур бўлмоқ;
- 2) керак бўлмоқ;
- 3) лозим бўлмоқ
- 4) зарур (сифат+от)
- 5) зарур (сифат+сон.бирик.)
- 6) зарур (харакат номига эга модал фeъл=сод. от-кес.)
- 7) зарур сифат+фeъл = кўшма фeъл. 8) зарур (тўл.+хол мурак.-кесим



- 1) шарт, муҳим; 2) шарт (харакат номига эга модал фeъл=содда от-кесим; 3) муҳим (сифат+фeъл = кўшма
- 4) бир бош бўлакли содда гап сифатида;
- 5) сўрок, ундов, пайт, сабаб, мақсад, қиёс, шарт ва ҳ.к.

<sup>24</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 21–25

М: зарур буюм, мато – сифат + от; зарур текшириш – сифат + ҳаракат номи; зарур 3 та қоида, 3 та шарт, муҳим бир воқеа – сифат + сонли бирикма; ўқиши зарур, бажармоғи лозим – ҳаракат номига эга модал феъл = содда от-кесим; Инсон ҳаёти учун нон зарур, сув ундан-да зарур – икки бош бўлакли содда гап сифатида; Темирни қизиғида босиш зарур; бир бош бўлакли содда гап сифатида ва ҳ.к.

Ўзбек тилида «мумкинлик», «хоҳиш-истак» фреймларининг семантик категория ифодаси ҳам морфологик йўллар билангина чекланиб қолмай, лексик йўллар, модал сўзлар, модал юкламалар, феъл шакллари, кўмакчи феъллар, тўлиқсиз ва модал феъллар, махсус аффикслар орқали ифодаланиши кузатилади. Лисоний воситалар таҳлилидан предметлар ва гаплар орасидаги ҳар хил муносабатларни англатиб келган модалликнинг чин, реал, мумкин, зарур, шарт, истак-хоҳиш, керак-лозим, тасдиқ, тасодиф, хато, инкор, эҳтимол, мумкин эмас, тахмин, гумон, ўхшатиш, ният, эҳтимол каби модал маъноларни ва уларнинг маъно нозикликларини ифодаловчи воситалар кўп деган хулосани айтиш мумкин.

Тадқиқотнинг «**Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг миллий-маданий уйғунлашуви**» деб номланган бешинчи бобида француз ва ўзбек эртақларидаги ўхшашликлар ва дифференциал белгилар, француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг ўзига хос миллий-маданий жиҳатлари ёритилган.

Ҳар бир халқ ўз табиати, турмуш шароити, урф-одати, маданияти, ўз миллийлик хусусиятига эга бўлгани каби эртақларида ҳам ўзига хослик мавжуд. Масалан, француз ва ўзбек эртақларининг бир-бирига хос ва зид томонларини кўриш мумкин. Ўзбек эртақлари француз эртаги бошланмасидан ҳам структура, ҳам мазмун, ҳам модаллик хусусиятлари билан фарқ қилади. Ўзбек эртақлари, одатда, «*Бир бор экан, бир йўқ экан*», ёки «*Бор экан-да, йўқ экан; оч экан-да, тўқ экан*» сингари анъанавий кириш билан бошланади. Масалан, поссессивлик (мавжудлик) категорияси ҳам тасдиқ: «*бор*», ҳам инкор «*йўқ*» семаларини ифодалаётган бўлса, ҳолат категорияси *оч, тўқ* сўзлари ёрдамида берилмоқда. Ўзбек эртагида юқоридаги категориялар феълнинг тўлиқсиз шакли *экан, эмиш* билан келиб, феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилади, *экан, эмиш* феъл шакллари бир қатор *модал маъноларни, пайт, мақсад, сабаб, шарт, истак* муносабатларини ифодалаганлигини кузатиш мумкин, шунингдек - *да* юкламаси орқали гап мазмунини янада тасдиқлаш мақсади кўзда тутилади. Француз эртагида анъанавий кириш усули *Il était une fois* ёки *Il était une fois un Roi et une Reine* иборалари орқали ифодаланади. Бунда эртақнинг бошланиш қисми феълнинг шахссиз шакли *Il était* ва миқдорни англатувчи *une fois* сўзи орқали, қирол *un Roi* ёки қиролича *une Reine* сўзлари орқали қўлланмоқда.

Француз ва ўзбек эртақларининг *яқуний-туғалланма* қисми ҳам структура, ҳам мазмун, ҳам модаллик хусусиятлари билан фарқ қилади. Мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб, ўзбек эртақларининг *яқуний-туғалланма* қисмлари қуйидаги семантик гуруҳларга ажратилади: 1) тўй-томоша тасвири, 2) истак-ният, «*яхши етсин муродга, ёмон қолсин уятга*», муроду мақсадга

етиш, 3) сокин, яхши, бахтли турмуш кечирши, 4) ўзига яқин кишилар билан аҳил яшаб ўтиш, 5) яшаш, турмуш тарзини обод ва озод ўлкага айлантириш ва ҳоказо: *Чол қувона-қувона аёлга: – Раҳмат, қизим, муродингга ет, қўшиганинг билан қўша қари, – дебди ва аёлнинг фаросатига таҳсин ўқиб, қишлоғига йўл олибди* (ҳолат, ният, мақсад, истак, аксиологик) (ЎХЭ, Тадбирли аёл, 106); *Овчи Кенжа ботирга қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қилиб, ҳалиги қизни олиб берибди ва шу билан муроду мақсадига етибди* (темпораллик, тўй мотиви) (ББЭ, Семурғ, 33); *Султон шаҳар халқига етти кун зиёфат берибди. Зиёд ботир Қамархон шод-хуррамлик билан умр кечиршибди* (макон, темпораллик, ҳолат) (ББЭ, Зиёд Ботир, 41).

Француз эртақларининг якуний қисмида оқ фотиҳа бериш, уйланиш мотиви, зиёфат бериш, ширин ҳаёт кечирши каби лисоний бирликлар аксиологик ва эпистемик модалликни ифодалаб, индикатив майлда келади: 1) «*Қизи билан дийдор кўришган қирол келин ҳамда куёвга оқ фотиҳа берибди* (ОҒЭ, ЭТ, 95)»; 2) «*Кўк соқолнинг хотини бойликларни бўлиб берибди ва инсофли бир одамга турмушга чиқиб, ширин ҳаёт кечирибди* (ОҒЭ.КС, 32)».

Француз ва ўзбек сеҳрли эртақлар сюжетида кўпинча «ғаройиб предмет»лар билан боғлиқ мотивлар, жумладан, француз эртақларида *туш кўриш, узоқ уйқуга кетиш мотивлари, мифологик махлуқ образлари, сирли сўз кабилар жуда кўп учради, ўзбек эртақларида эса сандиқда оқиб келиш, қондан кечиш, кураш тушиш, зайритабий тугилиш, Хизр – мифологик образ сифатида, сирли сўзлар, 3, 7, 9, 20, 40 сирли рақамлар жуда кўп учради, қолаверса, икки халқ эртақларида шарт қўйиш, фарзандсизлик, нақлар, сафар, ўлим ҳодисаси билан боғлиқ ҳолатларни ифодалашда модаллик категориясининг фаол иштироки намоён бўлади. Ўзбек эртақларида руҳсат сўраш, қон (бир қошиқ қонимдан кечинг)дан кечиш, кураш тушиш мотивлари, француз эртақларида *туш кўриш, узоқ уйқуга кетиш* мотивлари бисёрлигини кўриш мумкин: 1) «*Pendant son sommeil la Belle vit une dame, qui lui dit: «Je suis contente de votre bon coeur, la Belle: la bonne action que vous faites en donnant votre vie pour sauver celle de votre père ne demeurera point sans récompensé* (ВВ, 364) (темпораллик, ҳолат, аксиологик, истак, тилак)»; 2) «*Подшо қизлари дарё лабида ўтиришса, бир сандиқ оқиб келаверибди. Сандиқни очибдилар. Сандиқ ичида бир йигит ўтирган эмишки, дунёда унинг тенги йўқ экан* (ББЭ.Т ва 3, 81); 3) «*Ўтиб ухладим. Бир маҳал туш кўрдим. Тушимда Хизр бувам: – Ўғлим, хафа бўлма. Ўрнингдан туриб, ўн беш қадам олдинга қараб юр* (ББЭ.5 Қ, 192)»; 4) «*–Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман. – Ўтдим, тўғриси уни сўйла!* (ББЭ.УОБ, 11); 5) «*–Мен ҳам Қилич ботир билан бирга юрган эдим, агар курашмоқчи бўлсанг, аввал мен билан курашиб кўр, – дебди. Қилич ботир темирчини йиқитибди. Кейин уни ўрnidан турғизиб қўйибди*» (ББЭ.ҚБ, 13)»; 6) «*– Эй мард йигит, агар тўшимни ерга теккиза олсангиз, мен сизни шавҳарликка қабул қиламан, – дебди. Сухроб ҳам рози бўлиб иккови олишмоқчи бўлишибди*» (ББЭ.Р, 26)».*

Аммо француз эртақларида модаллик категорияси билан ифодаланган қондан кечиш ва сандиқда оқиб келиш мотивлари кузатилмади.

Француз эртақларининг тугалланма қисмида аксиологик ва эпистемик модалликни ифодалалаб келган лисоний бирликлар ўзбек эртақларининг якуний қисмларига қараганда камроқ. Жумладан, эртақ тугалланмаси ҳар доимгидек *тўй-томоша, оқ фотиҳа бериш, уйланиш мотиви, зиёфат бериш* лексемалари билан, шунингдек, бегуноҳ кишиларни зулмдан *озод қилиш* ва улар учун *гўзал турмуш тарзини яратиш* лисоний бирликлари орқали, мамлакатни озод-обод ўлкага айлантириш, *озод ва ҳур, гўзал ҳаётни барпо қилиш* аксиологик воситалари ва ниҳоят, *қўшганинг билан қўша қари* нақли билан берилиши ўзбек халқига хос миллий қадриятларимизнинг эртақларда ўз ўрнида қўллангани ва улар модаллик категорияси билан уйғунлашгани кўзга ташланади.

Француз ва ўзбек миллий характерини эртақ матнида тақдим этилган лингвокультуремалар ва аксиологик тус билан безалган концептлардан келиб чиқиб баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Француз халқини характерловчи, ўзида қадриятлар ифодасини топган концептлар орасида кўп тарқалгани «оптимизм» концептидир (22%). Бу концептни куйидаги маданий доминантларга ажратиш мумкин: «қувонч», «хурсандчилик», «беғамлик», «бахт», «ҳазилкашлик», «байрам». М: 1) *Toute la Cour en eut une joie qui ne se peut imaginer* (СРР.Н, 168); 2) *Petit bonhomme, je veux encore t'entendre rire* (РВ., р.86) «*une joie, vouloir t'entendre rire*» Мазкур концептлар модалликнинг истак-хоҳиш (*veux*) ва мумкинлик (*peut imaginer*) категориялари орқали уйғунлашган.

Ўзбек халқини характерловчи, ўзида қадриятлар ифодасини топган ўзбекнинг байрами, тўйи, урф-одати ва анъаналари, ирим-сиримларини ифодаловчи концептларнинг куйидаги маданий доминантлари ажратилади: «бахт», «қувонч», «байрам», «тўй» «шукроналик», «беғамлик», «осойишталик», «андиша», «камтарлик», «шарм-ҳаё», «қувноқлик», «меҳрибонлик», «ҳазилкашлик», «ҳашар» (37%). Бу концептлар ўзбекнинг ҳатто энг бахтсиз онларда ҳам тинчлик, ҳазил ва хурсандчилик манбаини топа оладиган халқ эканини кўрсатади: 1) « – *Отажон, онажан! Шунчалик меҳрибонлик қилганларинг учун раҳмат, энди болаларимни берсангиз олиб кетаман. Ўз қарамогимга олсам. Менинг ҳам соғлигим ночор, бирор нарса бўлиб қолсам болалар меросга эга бўлишсин*» (ЎХЭ.СН., 56). Юқоридаги мисолларда модалликнинг *истак-хоҳиш, истак-буйруқ, розилик, илтимос, ҳолат, темпораллик* каби турлари, *розилик* мотиви ҳамда *миннатдорчилик, қувонч, шукроналик, хурсандчилик ва меҳрибонлик* концептларининг лингвомаданий хусусиятларини кузатиш мумкин.

Ўзбек эртақларидаги маданият формуласи бўлган ритуал-маросимий, урф-одатлар, афсоналар, афсоналаштирилган тил маданий бирликлари (19%) ни ифодалашда ҳам модаллик категорияларини учратамиз: 1) «*Бола кетаверибди, йўл юриб, йўл юрса ҳам, мўл юрибди. Бир жойга борса, бир киши майса устида намоз ўқимоқчи бўлиб турган* (урф-одат+модаллик: *истак-хоҳиш, ҳолат, пайт*) экан» (ЎХЭ, 7); 2) « – *Шоҳим, қизнинг бошини боғлаб, бировга фотиҳа қилинаётганда унинг ўз розилиги олинганму* (ритуал-



маросим+модаллик: сўроқ-буйруқ, ҳолат, пайт, истак-хоҳиш)? – деб сўрабди» (ЎХЭ.С.Н, 32).

Француз эртақларидаги маданиятнинг формуласи бўлган ритуал-маросимий, урф-одат, афсона, афсоналаштирилган тил маданий бирликларида камроқ (10%) модаллик категориялари билан ифодалангани кузатилди.

Ҳар бир миллатнинг муҳим характери акс эттирувчи «бағрикенглик» концепти француз эртақларида (5%), ўзбек эртақларида (35%) ни ташкил қилиб, «бағрикенглик» концептининг модаллик категориялари билан ифодаланган: 1) «Чориқулбой қўшниларида ҳеч нарсани **аямас**, улар нима **сўраб чиқса, йўқ демас, ёрдам қўлини чўзар экан**. Чориқулбой мустаҳкам **қурмоқчи** бўлиб иш бошлабди. Одамлар узоғи яқин бўлиб Чориқулбойни дуо қилишибди. Чориқул бутун қишлоқ халқини **чақириб** қўш-қўш **қўй сўйдириб** катта маърака қилибди (ЎХЭ.С.Н., 10)». Модалликнинг индикатив, реаллик, буйруқ, истак-хоҳиш, имкон, сабаб, мамнунлик, макон, ҳолат, темпораллик категориялари меҳнатсеварлик, сахийлик концептлари ҳамда миллий маданиятнинг қўш-қўш қўй сўйиш, катта маърака қилиш, дуо қилиш, кўприк қуриш доминантлари эртақнинг семантикасини очиб бермоқда.

«Жасурлик» концепти билан чамбарчас боғлиқ «севги» концепти французлар дунёқарашидаги энг қадриятли концепт бўлиб (7% ни, 12 эртақдан 8 тасида), эртақ матнида модаллик категориялари орқали мазмуни янада ёрқин ифодаланган: «*Je ne crains personne. Battons nous, si vous le voulez. Soyons bons amis, si cela vous plait*» (СВ, 46). Модаллик = индикатив (*je ne crains personne*)+имперратив (*soyons*)+кондиционал (*si, voulez*)+сюбжонктив (*vouloir, pouvoir*).

Ҳар бир аксиологик концепт ўзининг антиподи – қарши қадриятга (қарама-қарши нисбатига) эга. Француз эртақларини таҳлил қилиш натижасида француз этносининг қарши қадриятлари «манманлик, мағрурлик» (35%), «қаҳр-газаб» (29%), «очкўзлик» (6%), «дангасалик» (6%) ни ташкил қилиб, уларнинг қуйидагича модал категориялари орқали ифодаланганлигини кузатиш мумкин: «*Je vous défends d'y entrer, et je vous le défends de telle sorte, que, s'il vous arrive de l'ouvrir, il n'y a rien que vous ne deviez attendre de ma colère*» (КС, 93). Ҳамма хоналар ихтиёрингизда, лекин хужрага киришни сизга **ман этаман** (буйруқ, тақиқ, таъкид), **ёдингизда бўлсин** (буйруқ, таъкид), **агар у ерга киргудек бўлсангиз** (таъкид, ҳолат, сабаб), **сизни ҳеч ким ва ҳеч нарса қаҳримдан қутқара олмайди** (ОҒЭ, 25).

Ўзбек этносининг қарши қадриятлари «манманлик» (18%), «қаҳр-газаб» (11%), «очкўзлик» (4%), «дангасалик» (3%) ни ташкил қилиб, қуйидаги модаллик категориялари орқали келган: 1) «Ўғай она бир қуни нон ёпибди. Бир кулчанинг ичига заҳар солиб, бола учун алоҳида пиширибди. Бола кўчадан қайтганда «Ма болам, сенга кулча пиширдим **иссиққина, еб ол** (буйруқ, таъкид)!», – дебди.; 2) – **Бой ота, буларни урманг** (буйруқ, ўтинч, таъкид). Бойвуччамиз бугун эрталаб менга чўлга чиқиб заҳарли илон **тутиб келтиришни буюрдилар** (буйруқ, истак, таъкид, ҳолат); – **Кимки бировга чуқур қазиса** (таъкид, ҳолат, сабаб), ўзи йиқилади деган ҳикматнинг

*ҳақлигига шубҳа йўқ (шубҳа, гумон, ҳолат, сабаб). Мана бир норасидани ўлдирмоқчи (истак, хоҳиш, ҳолат, сабаб) бўлган экан ўрнига ўзи ўлди, – дебди газаб билан (ЎХЭ.БЧҚ, 85).* Мазкур мисолларда «*ўлдирмоқчи, буюрдилар, еб ол, қазиса, шубҳа йўқ, урманг*» каби модаллик категориялари *императив, сюбжонктив, кондиционал* майллари орқали ўзбек этносининг қарши қадриятлари *очкўзлик ва газабни* ифодаламоқда.

Лингвокультуремалар таҳлилидан тил – бу халқ маданиятини тушунишда рамзий бошқарувчи, лексика эса маданиятнинг ҳис-туйғуларга бой ифодаси ҳисобланади, деган хулосани айтиш мумкин. Қолаверса, фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли кўринишларини ифодаловчи модаллик категориясининг гап семантикасини очиш бериш ва баҳолашда, матнларни таҳлил қилиш ва қиёслашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Халқнинг характери ва уни ташкил этувчи ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда мушкул вазифа бўлиб, ўзбек ва француз характериға хос хусусиятлар бошқа миллатларға ҳам хосдир. Ажратилган маданий доминантлар ўзбек ва француз эртакларида «ўзбек ва француз миллий характери»ни ифодалашда ва фарқлашда лисоний воситаларнинг модаллик категориялари билан уйғунлашгани катта аҳамият касб этади.

## Х У Л О С А

Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив ва миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларға келинди:

1. Модаллик категориясининг намоён бўлишида кенг имкониятларнинг мавжудлиги, мазкур категориянинг умумлисоний ҳодиса эканлигидан ва унинг ўрганилиши тил қурилишининг моҳиятини англаш учун ғоят муҳимлигидан далолат беради. Буни француз ва ўзбек эртакларидаги модаллик категориясининг таҳлили ҳам исботлайди. Икки ноқардош тил эртакларидаги модаллик категориясининг лингвокогнитив ҳамда миллий-маданий хусусиятларининг тадқиқи чоғиштирма тилшунослик равнақиға кенг йўл очиб беради.

2. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг ифодаланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, модаллик категориясига хос тўртта семантик гуруҳға ажратиш мумкин: модаллик функционал-семантик категорияси кўп қамровли тадқиқот объекти ҳисобланиб, унинг асосий моҳияти шахс ва замон категорияси билан бирға гапнинг асосий бўлақларини шакллантириб, сўзловчининг реал борлиққа бўлган муносабатини ифодалашда муҳим аҳамиятға эга эканлиги; модаллик гапнинг семантикасини очиб беришда тўрт аспектни қамраб олиши, жумладан, сигнификатив, референциал, модус ва диктум маънолари; гап мазмунини баҳолашда субъектив-модаллик хусусиятларини очиб беришда аксиологик модаллик кенг семантик майдонни эгаллаши; матнларни таҳлил қилиш ва уларнинг лингвокогнитив хусусиятларини очиб беришда матн модаллиги катта роль ўйнаши, шунингдек, модаллик ва баҳолаш категориялари ўзаро

боғланган бўлиб, мазкур масалани ўрганиш бадий матн шароитида муҳимлигидир.

3. Модаллик категориясининг турли тилларда ифодаланиши ва улар орасидаги умумий фарқлар: сўзловчи айтаётган фикрнинг гапдаги мақсади ва гапнинг коммуникатив функцияси, тасдиқ ва инкор маъноларининг ифодаланиши; семантик маъноларнинг икки тури, сўзловчи томонидан воқеликлар ва сўзловчининг унга хабар қилинган воқеликка ишончилилик даражасининг баҳоланиши; сўзловчининг гап мазмунидаги ҳис-туйғу ва сифат фазилатларининг ифодаланиши; модалликнинг объектив ва субъектив категорияларга бўлиниши; коннотатив модаллик маъноларининг ифодаланиши; француз ва ўзбек эртакларида эпистемик модалликнинг кўпроқ қўлланиши каби семантик гуруҳларга ажратилиб асосланганлиги билан характерланади.

4. Модус ва диктум тушунчалари модаллик категориясининг лисоний бирликларида намоён бўлиши, диктум – воқеликни акс эттирса, модус сўзловчининг воқеликка бўлган муносабатини ифодалашини, тилшуносликда модаллик, модус ва диктум категорияларининг ўзаро боғлиқ эканлиги намоён бўлади.

5. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категорияси миллий-маданий ўхшашликлари ва дифференциал белгиларига эга. Ўзбек эртаклари француз эртаги бошланмасидан, якуний-тугалланма қисмидан ҳам структура, ҳам мазмун, ҳам модаллик хусусиятлари билан фарқланади.

6. Когнитив тилшуносликда концепт билан фрейм орасида етарли даражада фарқ мавжуд бўлиб, концепт билимлар базасини ифодалашда структура, гешталт, турли лисоний сатҳ маъно бирлиги сифатида ҳамда фрейм – доим структурага ва семантик бўлиниш хусусиятига эгаллиги билан изоҳланади. Мазкур тушунчаларга берилган таърифлар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради ва бир-бирини тақазо этади.

7. Эرتак концепти билимлар мажмуини ташувчи, миллий-маданий семага эга бирлик бўлиб, унда халқнинг асрий турмуш тажрибаси ва хулосалари асосида жамланган билим мажмуи ётади. Ана шу билим мажмуи нуқтаи назаридан қаралганда, эртакнинг когнитив концепт сифатидаги моҳияти намоён бўлади. У орқали билим ҳосил қилиш мумкин. Бунда билим ҳосил қилишнинг босқичлари босиб ўтилади. Эртак когнитив концепти замиридаги билимлар муайян сценарий асосида шаклланади ва уни идрок қилиш ҳам шу тартибда кечади.

8. «Эртак фрейми»ида асосий тушунча (образ) ва унинг атрофидаги ёрдамчи образлар бўлади. У асосий объект (образ ёки мотив) тафсилотлари ҳақидаги билимларни қамраб олади. Шунингдек, эртакдаги объект ва субъектлар муносабати ҳақидаги билимлар ҳам фреймдир. Бу жиҳатдан эртак фреймининг умумий моҳияти феъл нисбатлари моҳиятини ёдга солади, ўзаро ҳаракат (интеракция ҳақидаги билимлар) мажмуини ўзида намоён этади.

9. Француз ва ўзбек эртакларида «*хоҳиш-истак*», «*мумкинлик-шарт*», «*зарурият-керак*» категорияларининг хусусиятлари очиқ берилади.

Француз эртакларида модаллик категорияси морфологик (феълнинг

шахссиз шакллар (сифатдош, герундий – равишдош), феъл майллари – аниқлик, истак, буйруқ ва лексик (модал феъллар, модал сўзлар, модал юклама, сифат, равиш, гапнинг махсус қурилмалари) ва синтактик воситалар (интонация, сўз тартиби) билан ифодаланиши кузатилади. «*Хоҳиш-истак*», «*мумкинлик-шарт*», «*зарурият-керак*» категориялари: модал феъллар, модал сўзлар, модал боғловчилар, феълнинг шахссиз шакллари, қўшма феъллар, махсус феъл шакллари, интонация каби тил бирликлари билан ифодаланиш хусусиятлари билан ажралиб туради.

10. Ўзбек эртақларида модаллик категорияси: морфологик (махсус феъл шакллари, феълнинг қўшма шакллари, аниқлик ва буйруқ майллари, замон, шахс); лексик (модал ва тўлиқсиз феъллар, модал ва кириш сўзлар, модал юкламалар); синтактик (сўз тартиби, интонация) воситалар ёрдамида ифодаланиши билан ажралиб туради. Ўзбек эртақларида «*хоҳиш-истак*», «*мумкинлик-шарт*», «*зарурият-керак*» категориялари феълнинг аналитик шакллари, феълнинг қўшма шакллари, махсус феъл шакллари, модал феъллар (керак бўлмоқ, истамоқ, хоҳламоқ); модал ва кириш сўзлар, модал юкламалар каби лисоний бирликлар билан ифодаланади.

11. Француз эртақларида модал феъллар яқка ҳолда қўлланмаслиги, балки битта, баъзан иккита мустақил феъл билан келиши ҳам мумкин. Француз эртақларидаги битта модал феъл ўзбек эртақларидаги бир неча модал феъл вариантларига мос келади. Француз эртақларида истак модал категориясини ифодалашда модал феъллар мустақил феъллар билан кўпроқ, ёрдамчи феъллар билан камроқ қўлланилади. Ўзбек эртақларида эса, истак маъносининг ифодаланишида мустақил феъл билан бирга кўмакчи феъллар кўпроқ қўлланилиши кузатилади.

12. Француз ва ўзбек тилларида «*мумкинлик*», «*зарурият*», «*истак*» фреймларининг ифодаланиши ва мазкур фреймлар доирасига кирувчи феълларни икки гуруҳга ажратиш лозим бўлади. Биринчи гуруҳга кирувчи модал феъллар семантик майдон ядросини ташкил қилиб, уларнинг гапда кўпроқ қўлланиш хусусиятини инобатга олиб, «*кучли гуруҳ*» деб, иккинчи гуруҳга кирувчи модал феъллар семантик майдон перифериясини ташкил қилиб, уларнинг гапда камроқ келишига қараб, «*кучсиз гуруҳ*» деб олиб, алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

13. Француз ва ўзбек эртақларида миллий-маданий ўхшашликларнинг акс этиши, улар орасидаги дифференциал белгиларнинг лисоний воситалар орқали ифодаланишида ҳамда француз ва ўзбек эртақларида миллий ўзига хосликларнинг тил, маданиятда акс эттиришда модаллик категориясининг фаол иштирок этади.

14. Эртақлар ҳажм жиҳатидан кичик мотивни ташкил қилса-да, аммо модаллик категориясининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришда муҳим аҳамиятга эга.